

## **НОК ДАРАХТИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ**

***С.Абдураманова***

*қ.х.ф.д, доцент, ТошДАУ*

***А.Эрматов***

*Таянч докторант Ак.М.Мирзаев номидаги БУваВИТИ*

Аннотация: Мақолада нок дарахтининг халқ хўжалигидаги аҳамияти, унинг кенг тарқалган навлари, таркиби, интенсив боғларни яратишда пайвандтагларнинг ўрни келтирилган.

Аннотация: В статье представлены значение дерева груши в народном хозяйстве, его распространенные сорта, состав, а также роль прививок в создании интенсивных садов.

Abstract: The article presents the importance of the pear tree in the national economy, its common varieties, composition, as well as the role of grafting in the creation of intensive gardens.

Калит сўзлар: Нок, кўчат, нав, пайвандтаг, интенсив боғ, мева таркиби, органик бирикма.

Ключевые слова: Груша, саженец, сорт, подвой, интенсивный сад, состав плодов, органическое соединение.

Key words: Pear, seedling, variety, rootstock, intensive garden, fruit composition, organic compound.

Нок олмадан кейин энг кўп тарқалган мева экини бўлиб, мевасининг мазалиги билан кадрланади. Нок мевалари янгилигича истеъмол қилинади, қоқи, консерва, сукат, повидло, мураббо, шарбат, вино, бекмес (нок асали) тайёрланади. Ўзбекистонда етиштириладиган нок таркибида 10,8-12,7 % гача шакар, 0,13-0,30 % кислоталар, 0,35 % га яқин пектин ва 0,31 % кул бор. Нок раънодошлар оиласига

мансуб нок ўсимлиги инсоният томонидан етиштириб келинган энг қадимги мевали дарахтлардан биридир. Ушбу оилага мансуб экинлар орасида нок мевалар бозоргирлиги билан олмадан кейин иккинчи ўринда туради. Нокнинг кўплаб навлари ҳозирги кунда яратилиб, бугунги кунда дунёнинг мўтадил иқлим минтақаларда етиштириб келинмоқда. Нок мевалари ароматик ва бошқа биокимёвий таркибий қисмларининг қимматли биологик фаол моддаларга эга бўлиши ҳамда юқори таъм сифатларини ўзида мужассамлаштирганлиги билан озиқ-овқат рационада алоҳида ўрин эгаллаган. Нок олма каби мўтадил иқлим ўсимлиги бўлсада, иссиқликни кўп талаб килади, совуққа камроқ чидамли ва олмага нисбатан узок яшайди, 80-100 йил умр кўради. Бизнинг шароитимизда 10 га яқин маҳаллий навлари ўстирилади. Нокнинг 60 га яқин ёввойи турлари учраб, шундан мевачиликда: Жайдари нок, Ўрта Осиё ноки, Туркман ноки, Ўссури ноки, Нашвати, Тол баргли нок ва Регель ноки аҳамиятга эга. Бошқа мевали дарахтларга қараганда нок дарахти нисбатан кам тарқалган бўлиб, бунинг асосий сабаби минтақаларга мос пайвандтаг ва навларининг етишмаслигида. Шунингдек, юқори сифатли экиш материалларининг етарли даражада эмаслиги унинг ишлаб чиқаришда кенг тарқалмаганлигидан далолат беради. Ўзбекистоннинг жанубий-ғарбий минтақасида олимларимиз томонидан нок селекцияси бўйича жуда катта ишлар олиб борилган. Олиб борилган селекция ишлари натижасида Ўзбекистонда қуйидаги: Любимица клаппа, Лесная Красавица, Подарок, Вильямс, Оливье де Серр, Зимняя нашвати №2 каби навлар районлаштирилган. Шунингдек, Самарқанд илмий-тажриба станциясида яратилган Раъно ва бошқа навлар яратилиб, районлаштирилиб экиб келинмоқда. Мевали боғларда маълум бир навнинг қиймати унинг интенсив боғда етиштирилиши, навнинг эрта ҳосилга кириши, ўзини чанглатиши, ҳосилдорлигини ошириш тезлиги, солкашликнинг йўқлиги ва умумий маҳсулдорлиги билан ўлчанади. Меванинг сифатига жуда катта аҳамият бериш зарур, мазаси ва хушхўрлигидан ташқари, йўлга чидамлиги, сақланиш муддати, ташқи кўриниши каби жиҳатлари жуда муҳим. Нав танлашда дарахтлар

ҳажмини ҳисобга олиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, боғ симбағазларда ўстирса кўпроқ эътибор спур (халқасимон мева куртакларда) турдаги навларга берилмоқда. Чунки уларнинг танаси кичик, новдаларнинг бўғин оралари кичик барг сатхи эса новданинг ўлчов бирлигига нисбатан анча кўп. Мевалар таркибидаги органик бирикмалар, қанд моддалари ва турли хил витаминлар ҳамда минерал тузлар инсон организми учун жуда зарур. Бундан ташқари, нок мевасидаги қанд, шакар бирикмалари ва актив биологик моддалар, антибиотиклар ҳамда кўплаб микроэлементлар одамлардаги грип чақирувчи вирусларга ҳимоя воситаси бўлиши мумкин. Интенсив боғ барпо қилганда улар учун нав танлашга катта аҳамият бериш лозим. Чунки навлар мажмуаси боғнинг ҳосилдорлигини ва унинг иқтисодий самарадорлигини кўп жиҳатдан ҳал қилади. Нав танлаганда боғ ташкил қилинаётган ҳудудда қайси навлар яхши ўзини хис қилиши, ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги мевасининг сифати ва иқтисодий самарадорлиги юқори бўлган навлар танланади. Ҳар бир хўжаликни тупроқ сув шароитидан ва унинг йўналишидан келиб чиққан ҳолда навлар танланиши талаб этилади. Мева навларининг ўз вақтида танлаб саралаб экиб, улар парваришига кучли агротехник чоралар қўлланилганда улардан юқори ҳосил олишга эришиш мумкин. Интенсив типдаги мевали кўчатлар етиштиришда клонал йўл билан кўпайтирилган пайвандтаглар уруғлик материали билан кўпайтирилган пайвандтагларга нисбатан самарали ҳисобланади. Бундай пайвандтаглардан фойдаланиш орқали етиштирилаётган мевали экинлар эрта ўсиши, тез ҳосилга кириш ва абиотик омилларга чидамлилиги билан ажралиб туради. Клонал усулда кўпайтирилган пайвандтагларда етиштирилган нок навлари пакана ва ярим пакана бўлиши, туб сонининг зич жойлашиши ҳамда эрта ва мўл ҳосилли бўлишини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Арипов А.У, Арипов А.А. - Уруғли интенсив мева боғлари Ташкент 2013 й.
2. Журавлева А.В.. // Размножение клоновых подвоев груши зеленым и одревесневшим черенком. Достижения науки и техники АПК. 2016. Т. 30. № 12 с-74.